

КОСИБ ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ КООПЕРАТИВЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (XX АСР БОШЛАРИ)

КООПЕРИРОВАНИЯ РЕМЕСЛЕННО-КУСТАРНОГО ПРОИЗВОДСТВА И ЕГО ПОСЛЕДСТВИЯ

COOPERATION IN HANDICRAFT PRODUCTION AND ITS CONSEQUENCES

Gulchexra DADAMIRZAYEVA

Namangan davlat universiteti dotsenti, PhD

E-mail: gulichehrad@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада ўлкада совет ҳокимиятининг косиб-ҳунаرمандларни кооперативлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари ҳақида сўз юритилади. Мавзу тарихишунослиги баён қилинган. Шунингдек совет ҳокимияти ўрнатилиши арафасида ҳунаرمандчилик ишлаб чиқаришининг ҳўжалик муносабатларида ўрни ва роли масалалари ёритилган. Ишлаб чиқаришдаги хусусий мулкчиликни тугатиш масаласи ва унинг оқибатлари таҳлил қилинган.

Аннотация

В данной статье говорится о политике советского правительства по кооперации ремесленников и ее последствиях в стране. Описана историография темы. Также накануне установления Советской власти освещаются вопросы места и роли ремесленного производства в экономических отношениях. Анализируется проблема прекращения частной собственности на производство и ее последствия.

Abstract

This article discusses the policy of the Soviet government in the country to cooperate with artisans and craftsmen and its consequences. The historiography of the topic is presented. The issues of the place and role of handicraft production in economic relations on the eve of the establishment of Soviet power are also covered. The issue of the abolition of private ownership in production and its consequences are analyzed.

Калим сўзлар

Кооператив, кооперативлаштириш, ишлаб чиқариш, ҳунаرمандчилик кооперацияси, ҳунаرمандчилик, фабрика-завод саноати, «Ҳарбий коммунизм» сиёсати, Халқ Ҳўжалиги Кенгаши

Ключевые слова

Кооператив, кооперация, производство, промысловая кооперация, ремесло, фабричная промышленность, политика «военного коммунизма», Совет Народного Хозяйства

Key words

Cooperative, cooperatization, production, handicraft cooperation, handicraft, factory industry, "military communism" policy, Soviet of the National Economy

Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда турли хил мулк шакллари яратиш, уларни самарали қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кооператив корхоналар аҳолини кенг истеъмол моллари билан таъминлашда ва ижтимоий муносабатларни

барқарорлаштириш ҳамда юксалишда йилдан-йилга долзарб бўлиб бормоқда. Ислохотлар жараёнида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» каби вазифаларни белгиланиши Ўзбекистонда кооперация тизимини ривожлантиришга асос бўлди. Бу борада амалга оширилаётган ўзгаришлар, хусусан, ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги бирлашмаларида мустақил ва ўзаро боғлиқ корхоналар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг кооперацион бирлашиши институтини яратиш, маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг кооперациясини ривожлантириш каби масалаларни ҳал этишда тарихий тажриба муҳим аҳамият касб этади. Совет ҳокимияти йилларида ишлаб чиқариш кооперативлари фаолияти ва уларнинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва роли масалаларини янги методологик нуқтаи назардан тадқиқ этилиши қўйилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

XX асрнинг 70-йилларигача ишлаб чиқариш кооперативлари фаолияти тарихчилар томонидан алоҳида объект сифатида ўрганилмаган. Иқтисодчилар томонидан ушбу соҳада олиб борилган тадқиқотларда ҳунармандчилик кооперацияси ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий тузилиши, уларнинг иқтисодий аҳволи ва хомашё таъминоти каби масалалар ёритилган. Мазкур жараёнда тадқиқотчилар томонидан ўрганилаётган даврда кўплаб иқтисодий режа кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Шунингдек, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқаришда ҳунармандчилик кооперативларининг ролини ошириб бориш зарурияти кўрсатиб берилди[9,10]. Умуман олганда ушбу изланишларда масалалар ҳукмрон тузум нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниб, кооператив ишлаб чиқаришга йирик давлат ишлаб чиқаришининг ёрдамчиси сифатида қаралган эди.

Ҳуқуқшунос ва иқтисодчилар томонидан ушбу даврда эълон қилинган ишларда кооператив корхонани ташкил этиш, унинг тузилиши, ҳуқуқий мақоми, хўжалик юритиш фаолияти ёритилган[1,2,3,4,7]. Улар асосан, мазкур тизимдаги иш юритиш ҳамда кооператив техникум ва олий ўқув юртлари учун қўлланма вазифасини бажарган. Мазкур қўлланмалар ҳам ҳунармандчилик кооперацияси тугатилиши билан нашр этишдан тўхтатилган. Ушбу изланишлар ишлаб чиқариш кооперативларининг тарихий ривожланиши ҳамда унга нисбатан давлат сиёсатини аҳамиятини очиб бера олмайди. Бу ўринда косиб ва ҳунармандларни кооперативлаштирилиши масаласи тадқиқ этилиши лозим бўлган мавзулардан бири саналади.

Ишлаб чиқариш кооператив¹лари Европа ишчилари томонидан XIX асрнинг ўрталарида тузила бошлаган. Туркистон ўлкасидаги дастлабки

¹ Кооператив [лот. cooperatio–шериклик; ҳамкорлик] Дастлабки босқичда ўз-ўзини бошқариш ва молиялаштириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун ихтиёрий равишда бирлашган фуқаролар гуруҳини жамлаган ташкилот. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди, 2 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 406.

кооперация²лар эса хўжалик юритиш шакли сифатида матлубот ва кредит кооперациялари бўлиб, XX аср бошларида вужудга келган эди. Туркистон маҳаллий аҳолиси ўртасида энг кенг тарқалгани кредит кооперацияси бўлиб, ўзида жамиятнинг турли қатламларини бирлаштирган эди. Гарчи, дастлабки ширкат расман 1907 йил 6 майда Қўқонда ўз фаолиятини бошлаган бўлса-да, кооператив ҳаракатнинг оммавий бошланиши 1909 йилга тўғри келади. Худди шу йили расман рўйхатдан ўтган ширкатлар сони 10 тага етди[6,35-51].

И.Балков ўзининг “Ўрта Осиё хунармандчилик саноати” асарида келтирган маълумотларига кўра, 1917-йилда Туркистон ўлкасининг кичик саноатида 108 мингдан ортиқ киши банд бўлган, улар асосан хунармандчилик тармоқларидан иборат бўлиб, бу ўлка саноатида банд бўлганлар умумий сонининг 80 фоизигача бўлган ҳиссасига тўғри келган. Ўрта Осиёда икки миллиондан ортиқ майда деҳқон хўжаликлари ва 50 мингдан ортиқ хунармандчилик устахоналари мавжуд бўлса, 2 мингга яқин йирик корхоналар мавжуд эди. Инқилобдан олдинги йилларда Ўрта Осиёдаги йирик саноатда ишчилар сони 28-30 минг кишидан ошмаган[10,29]. Бу даврга келиб Туркистонда ҳам аҳолининг асосий қисми деҳқончилик билан банд бўлиб, уларнинг баъзилари хунармандчилик билан қўшимча равишда шуғулланиб келган. Лекин маълум бир қатлам учун хунармандчилик яшашнинг ягона воситаси эди. Хунармандлар қимматли ва юқори сифатли гиламчилик, заргарлик буюмлари, кулолчилик, ипакчилик, зардўзлик, каштачилик буюмлари ҳамда кундалик эҳтиёж билан боғлиқ бўлган саноатнинг темирчилик, тўқимачилик, бўяш, кўнчилик, эгар, арава, қоғоз каби маҳсулотлар ишлаб чиқардилар. Ўлка аҳолиси учун хунармандлар томонидан кийим-кечак, поябзал ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эга эди. Хунармандчилик маҳсулотлари табиийки, савдо-сотиқ муносабатларида муҳим рол ўйнади.

Туркистонда фабрика-завод саноатининг айрим тармоқлари ривожлана бошлаганда ҳам, Европа Россиясидан минтақага товарлар кириб келишига қарамай, хунармандчилик ўлка хўжалик ҳаётида муҳим ўрин тутиб, 20-25 миллион сўмдан кам бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарган[13,134]. Ўрта Осиёда кўплаб хунармандчилик тармоқлари мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари нафақат маҳаллий, балки давлат аҳамиятига ҳам эга эди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, пролетариат диктатураси шароитида меҳнаткашлар ташкилотининг кооператив шакли ғолиб кучлар қўлида кенг халқ оммасини социалистик қурилишга жалб этишнинг мустаҳкам қуроли бўлган эди. Хусусан, ўша даврдаги «Бизда ҳақиқатан ҳам давлат ҳокимияти ишчи синфининг қўлида экан, бу ҳукуматга барча ишлаб чиқариш воситалари тегишли экан, бизда фақат аҳолини кооперативлаштириш масаласи қолди холос» - деган тамойил асосида Туркистон ўлкасидаги майда ишлаб чиқарувчи косиб ва хунармандларнинг ҳам кейинги тақдири ҳал этилган.

² Кооперация [лот. cooperatio—шериклик; ҳамкорлик] Ўзаро боғланган ишлаб чиқариш жараёнида ёки саноат тармоқларида кишиларнинг ёки ташкилотларнинг ҳамкорлик асосида ишлашини ташкил этиш шакли. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 2 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 406.

Шаҳар ва қишлоқнинг майда буржуа қатлами, жумладан, косиб ва ҳунармандларни социалистик қурилишга жалб этиш дастлабки иккита беш йилликнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлган. Масалан, В.И.Лениннинг фикрича, «косиб ва ҳунармандларни социализмга йўналтиришнинг энг муҳим воситаси бу – ҳунармандчилик-ишлаб чиқариш кооперацияси» - эди[5,250]. Пролетариат диктатураси шароитида косиб ва ҳунармандларни кооперативлаштириш большевикларнинг асосий режаларидан бири эди. Ҳунармандларга давлат буюртмалари бериш ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш орқали майда товар ишлаб чиқарувчиларни аста-секинлик билан якка хўжаликдан жамоавий хўжалик юритишга ўтказиш зарур деб ҳисобладилар. Бу ўринда ишлаб чиқариш кооперативларига алоҳида эътибор қаратилди.

Совет давлати саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида пролетариат диктатураси ўрнатилишининг дастлабки йилларида ҳунармандчилик саноати ялпи маҳсулотининг улуши 15 фоизгача бўлган. Ўрта Осиёда шу йилларда саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ҳунармандчилик ялпи маҳсулоти 30 фоиздан зиёдни ташкил этди. Кимё саноати, пахта, ипакни қайта ишлаш, чарм поябзал ва бошқаларда кичик саноатнинг улуши 100 фоизни ташкил этарди[10,31]. Худди инқилобдан олдинги даврда бўлгани каби, совет шароитида ҳам ўлка ҳунармандчилиги аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондириш билан бирга, ишлаб чиқариш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилган. Масалан, пахта майдонларини парвариш қилиш учун зарур ишлаб чиқариш қуролларини маҳаллий ҳунармандлар ясадилар.

«Ҳарбий коммунизм» сиёсати ўз моҳиятига кўра фақат йирик саноатнигина эмас, балки ўрта корхоналар ва ҳатто майда корхоналарни ҳам давлат қўлида умумлаштиришни тақозо қилар эди. Шунини таъкидлаш керакки, ҳунармандчилик саноатида социалистик ўзгаришларни завод ва фабрика саноатидаги каби усуллар орқали амалга ошириб бўлмаган. Бу даврда ҳунармандлар ўлканинг нафақат хўжалик, шу билан бирга ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнаган. Ҳунармандларнинг ўлка ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ҳамда унинг кенг истеъмол моллари, муҳофаа маҳсулотлари тайёрлашда саноатнинг майда товар ишлаб чиқариш секторига бўлган эҳтиёжни ўсиб боришини инобатга олиб, ҳукумат ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини миллийлаштиришдан бутунлай воз кечмаган. Бу пайтга келиб асосий эътибор майда ишлаб чиқаришни давлат томонидан бошқарилишини кучайтиришга қаратилган эди.

Маълумки, 1918 йил июлдаёқ Туркистон Республикаси Саноат Халқ Комиссарлигида ҳунармандчилик ишлаб чиқариш бўлими, 1919 йил ёзига келиб эса Туркистон Республикаси Халқ хўжалиги кенгашида махсус ҳунармандчилик кооператив бўлими ташкил этилган эди. Унинг раҳбарлигида 1919 йилнинг кузига келиб 33 минг, яъни ўлкадаги ҳунармандларнинг $\frac{1}{4}$ қисми давлат буюртмаларини бажарган[8,256-257]. Ушбу рақамларга таяниб, Туркистон ҳунармандлари орасида кооператив ҳаракатнинг ўсишидаги яна бир муҳим омил сифатида «ҳарбий коммунизм» сиёсати давридаги мавжуд бошқарув тизимининг таъсирини кўрсатиш мумкин.

Умуман олганда, тарихий жараёнда ишлаб чиқаришдаги хусусий мулкчиликни тугатиш масаласи асосан икки йўналишда— бир томондан хусусий мулкни бутунлай йўқ қилиш, иккинчи томондан эса—майда хусусий мулкдор бўлган косиб ва хунармандларни ижтимоий ҳолатини тубдан ўзгартириб, кооперативлаштириш йўлидан борилди[11,5]. Бу ўринда кооперативлар пролетар бўлмаган қатламни социалистик қурилишга жалб этиш воситаси эканлигини кейинги тарихий жараёнларда ўз исботини топди.

Лекин, аслини олганда кооперативлаштирилаётган майда мулкдор ва ишлаб чиқарувчилар ўз мулклари билан бирга социализм қурилишининг ишчиларига айлантирилган. Оқибатда мулкка эгалик ҳиссининг секин-асталик билан камайиб бориши, ҳар бир жараёнга давлатнинг кескин аралашуви, ишлаб чиқариш натижаларидан манфаатдорликнинг сўниб бориши, хунармандчилик кооперациясининг кейинги тараққиётига ўз салбий таъсирини кўрсатди. Бу ўринда кооперация ва давлат ишлаб чиқариши халқ ҳўжалигидан хусусий капитални сиқиб чиқаришда ҳал қилувчи рол ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бироқ, 1920-йилларнинг охирларида болшевиклар кооперация тизимини партия-давлат аппаратига бирлаштириш, назорат қилиш ва деярли бутунлай таъсирига олиш масаласида муваффақиятга эришдилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Евенко И.А. Кооперативная промышленность СССР и ее роль в производстве товаров народного потребления. – Москва, 1954.
2. Кадников И.А. Финансирование и кредитование организации промысловой кооперации. – Москва: Всесоюзное кооперативное издательство, 1958.
3. Киселев А.И. Трудовые права членов артелей промысловой кооперации. – Москва, 1955.
4. Колесников С.И. Кооперация как социалистическая форма хозяйствования и её роль в становлении социалистических производственных отношений в СССР. Дисс. ... канд. экон. наук. – Москва, 1984.
5. Ленин В.И. Полное собрание сочинений изд.5. Т. 43. – Москва, 1970.
6. Мирзаев Ж. Развитие кооперативной формы хозяйствования в условиях рыночных отношений в Туркестане: опыт и проблемы: дисс.канд.ист. наук–Ташкент, 1994.
7. Соболев В.А. Промысловая кооперация (основы экономики, организация и планирования промышленной деятельности). – Москва, –1976.
8. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. / Коллектив авт.: Р.М.Абдуллаев, С.С.Агзамходжаев, И.А.Алимов и др. – Ташкент: Шарк, 2000.
9. Цыпкина М. А. Сырьевая база промкооперации Узбекистана. Дисс. ... канд. эконом. наук. – Ташкент, 1948.
10. Цыпкина М. А. Развитие промысловой кооперации Узбекистана. Дисс. ... канд. эконом. наук. – Ташкент, 1953.

11. Шакирова С. Социалистическое преобразование ремесленно-кустарного производства в Советском Туркестане.(1917-1924) : дисс.. канд .ист. наук. – Ташкент, 1978.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 2 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 2 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
13. ЎзМА, И-27-фонд, 1-рўйхат, 173-йиғма жилд.